

## А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди 2020 йил ноябрь ойининг 6 куни, Юнусобод туман “Анорзор” маҳалла фуқаролар йиғинида, очик сайёр суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

судья А.Шамахмудов раислигида,

судья ёрдамчиси Н.Ташпулатованинг котибалигида, Юнусобод туман прокурорининг ўринбосари Х.Анортоев, гумон қилинувчи Т.Хошимовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи

Хошимов Темурбек Равшанбек ўғли (Xoshimov Temurbek Ravshanbek o'g'li), 06.05.2000 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2019 йил 14 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан 300 соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланган, вақтинча ишсиз, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бахт кўчаси, 5-уйда яшовчига нисбатан

1-1004-2006/401-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

2020 йил 07 сентябрь куни соат тахминан 19:30 ларда Т.Хошимов бошқарувидаги “Cobalt” русумли давлат рақами 01 К 260 ЕВ бўлган автомашинасини Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси бўйлаб, А.Навоий кўчаси томонга алоҳида бўлакларга ажратилган қатнов қисмининг ўнгдан биринчи бўлагида соатига тахминан 30-40 км/соат тезликда ҳаракатланиб келиб, Юнусобод тумани 6-мавзе Мингўрик маҳалласида жойлашган Спорт вазирлиги биноси қаршисидаги пиёдалар ўтиш йўлагига келганида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” қисми, 77-бандининг 1, 3-қисмлари, 109, 110-банди талабларини қўпол равишда бузиб, яъни ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурлиги, ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини бошқариши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш шартлиги, тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезликни камайтириши ёки тўхташи шартлигини, агар тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси ҳаракатини секинлаштирса ёки тўхтаса, қўшни бўлакларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситасини олдида пиёда(лар) йўқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттириши мумкинлигини инобатга олмасдан,



ҳаракатланиши натижасида Спорт вазирлиги биноси қаршисидаги тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойидан ўтаётган пиёда Эшмамова Муҳаббат Ғайрат қизини уриб юборган.

Натижада пиёда М.Эшмамова тан жароҳатлари олиб, 7-сонли ШКШга мурожаат қилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 3182-сонли хулосасига кўра, М.Эшмамовада “чап қов суягининг ёпиқ силжимасдан синиши, бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг оёқ болдир соҳасида қонталаш, ўнг оёқ ташқи тўпиқ соҳасида шилинмалари” аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра “ўртача оғир” тан жароҳатларига киради.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Т.Хошимов ва жабрланувчи М.Эшмамова аризалар билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИО ФМБ 2-сонли ИИБ ТБ суриштирувчисининг қарорига кўра, гумон қилинувчи Т.Хошимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Т.Хошимов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганини баён этиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Эшмамова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Т.Хошимовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, ярашув ҳақидаги аризасини ўз хоҳиши билан ёзганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини баён этиб, Т.Хошимовга нисбатан юритилган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Суд гумон қилинувчи Т.Хошимов, жабрланувчи М.Эшмамованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчининг айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, ярашув жабрланувчи ва гумон



қилинувчининг хоҳишларига кўра бўлаётганини, гумон қилинувчи илгариги судланганлиги бўйича ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Т.Хошимовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Эшмаматовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи Хошимов Темурбек Равшанбек ўғли (Xoshimov Temurbek Ravshanbek o'g'li)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Эшмаматовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Шамахмудов

Ажрим нусхаси аслига тўғри: \_\_\_\_\_

**Маъсул судья: Шамахмудов Аббосхон Абзалович**

